

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР
МИЛЛИЙ МАРКАЗИ**

**КУЗГИ БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРИНИ НОЯБРЬ, ОЙИДА
ПАРВАРИШЛАШДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ЛОЗИМ
БЎЛГАН АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАР Тўғрисида
ИЛМИЙ ТАВСИЯЛАР**



Тавсиянома ғаллачилик соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассислар, ғаллачилик кластерлари ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари учун мўлжалланган.

Мазкур тавсиянома к/х.ф. доктори, профессорлар О.А.Аманов, З.Ф.Зиядуллаев ва к/х.ф.ф.д., А.М.Мансуров, А.Э.Эргашев, Қ.Х.Тўрақулов ва С.С.Исломовлар томонидан тайёрланди.

Кузги бошоқли дон экинларини ноябр ойида парваришlashда амалга оширилиши лозим бўлган агротехник тадбирлар тўғрисида ИЛМИЙ ТАВСИЯЛАР

Кузги бошоқли донларини экиш ва парваришlashда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, агротехник тадбирларни

ўз муддатда ўтказиш ғалладан гектарига **80-100 центнердан** ҳосил олишни таъминлайди.

Фосфорли ва калийли ўғитлар ҳаракатсиз ўғит ҳисобланади. Шунинг учун ғаллани экишдан олдин уларнинг йиллик меъерини **100 фоиз** берилиши тавсия этилади.

Фосфорли ўғитлар ўз муддатида ва меъерида берилиши ғалланинг ўсув даврида турли касалликларга чалинишининг олди олинади, соғлом майсалар униб чиқиб, тупланиш коэффиценти ошади, қишга ва шўрга чидамлиги яхшиланади, дон натураси, ҳосилдорлиги ва дон сифати ортади.

Фосфорли ва калийли ўғитлар билан ўғитланмаган ғалла майдонларда буғдойнинг гуллаш, сут ва мум пишиш даврида бошоқлар тўлиқ шакланмайди, **1000 дон** дон оғирлиги **30-35 граммга** тушиб қолади, ҳосилдорлик **15-20 центнерга** камайиб кетади.

Ғалла майдонларига бериладиган фосфорли ва калийли минерал ўғитларнинг йиллик меъери тупроқ шароитидан келиб чиқиб гектарига (соф ҳолда) фосфор **90-120 кг**, калий **60-70 кг** берилиши керак.

Республикада кузги буғдойни экиш очик майдон ва ғўза қатор орасига амалга оширилган. Бугунги кунда фосфорли ўғитлар берилмаган ёки меъеридан кам берилган майдонларга таркибида суюқ ҳолатдаги фосфори кўп бўлган биостимуляторлар билан кузги буғдойни **3-4 барг** ва туплаган даврида бериш тавсия этилади.

Кузги бошоқли дон экинларини экиш учун ер тайёрlashда фосфорли ўғитлар кам берилган ҳолларда ўсимликнинг ўсув даврида фосфорга бўлган талабини қондириш учун фосфорли **минерал ўғитларни ер устидан сепиш тавсия этилмайди.**

Фосфорли ўғитлар - оддий суперфосфат (таркибида фосфор 14%), суперфос (таркибида фосфор 27%), аммофос (таркибида фосфор 46%, азот 12%), калий хлорид (таркибида калий 60%) ўғитлар ер устидан қўлланилганда фосфорли ўғитларнинг самарадорлиги 15-20 фоиздан ошмаганлиги кўплаб тадқиқотларда аниқланган.

Бундай ҳолларда, таркибида фосфор миқдори кўп бўлган суюқ ҳолатдаги (масалан, *Кода P54-85%, Калийфос, N₁₅P₄₅K₄₅, Ifo PZN-25%*) биостимуляторлар билан гектарига 1-2 литр ҳисобида кузда **3-4 барг** ва туплаш фазасида ҳаво ҳарорати **12-15 °C** бўлганда баргдан суспензия усулида қўллаш мақсадга мувофиқ.

Мисол учун, оч тусли бўз тупроқли шароитида гектарига 90 кг аммофос ўғити қўлланилганда дон ҳосилдорлиги 60-62 центнер, фосфор ўғити берилмаган майдонларда суюқ ҳолатдаги фосфорли биостимуляторлар билан найчалаш фазасига қадар гектарига 1-2 литр ҳисобида 2 марта қўлланилганда, дон ҳосилдорлиги 53-55 ц/га ни ташкил этганлиги тажрибаларда аниқланган (Бугдойнинг 3-4 барг ҳолатида 1 л/га, туплаш фазасида 1.5 л/га, найчалаш фазасида қўлланилмайди).

Кўп йиллик илмий тажриба натижаларига кўра, гектарига **20 тоннадан** гўнг қўлланилганда кузги бугдой дон ҳосилдорлиги **6-12 ц/га** ошади. Гўнг минерал ўғитлар билан бирга қўлланилганда самарадорлик янада юқори бўлади.

Унинг таркибида ўсимлик учун зарур бўлган-азот, фосфор, калий, кальций, магний, темир, бор, молибден сингари барча озиқа моддалари мавжуд.

Фосфор берилмасдан экилган ғалла майдонларида фосфор ўрнини қоплаш мақсадида, чириган куруқ парранда гўнгини гектарига **5 тонна**, қўй ва мол гўнгини **8-10 тонна** сепиш ва пешма-пеш суғориш тавсия этилади (*1 тонна парранда гўнги таркибида 16 кг, мол гўнгида 5 кг фосфор мавжуд*).

Куз-қиш мавсумининг бошқа йилларга нисбатан қурқоччил келиши, совуқ ва қировли кунлар таъсирида очик майдонларда экилган кузги бошоқли дон экинлари сарғайганлигини кузатиш мумкин.

Юқоридаги ҳолат кузатиладиган майдонларда кузги бошоқли дон экинларини **аммоний сульфат** ўғити билан физик ҳолда **150 кг** (*соф ҳолда 30 кг*) дан озиқлантириш тавсия этилади.

Бу даврда ўсимлик томонидан тез ўзлаштириладиган ёки ҳавога учувчан **аммиакли селитра** берилиши – ўсимлик хужайрасида сахароза миқдори камайиб сув миқдори ортишига, совуқ таъсирида эса сув муз кристалларига айланиб, тўқималар зарар кўриши мумкин.

Сульфат аммоний ўғитини беришдан асосий мақсад, ушбу ўғитни ўсимлик 70 кунгача ўзлаштиради, тупроқ ва ўсимлик илдизини қиздиради, қўшимча туп ҳосил қилади, совуққа чидамлигини оширади ва ҳавога учиб кетмаслиги натижасида секин таъсир этиш эвазига ўсимликни ривожланиш ҳолати яхшиланади. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, жанубий минтақаларда 5 февралга қадар сульфат аммоний ўғитидан фойдаланиш зарур.

Бугунги кунда об-ҳавонинг кўп йилликга нисбатан илиқ ва куруқ келиши ҳам ўз навбатида ғалла майдонларини қўшимча суғоришни талаб этади. Шундан келиб чиқиб, энг муҳим сув сарфини камайтириш мақсадида экилган ғалла майдонларини ўқ ариқлар орасини қаътия **60-70 метр** оширмаслик зарур.

Экилган ғалла майдонларини ундириб олиш учун суғоришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Сувчиларнинг етишмаслиги ёки

масъулиятсизлиги натижасида ўқ ариқлар орасини **150-200 метр**, баъзи худудларда **200 метрдан** ҳам узоқликда ўқ ариқлар олиш одат тусига айланган.

Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳар **60-70 метрда** ўқ ариқлар олиб, суғорилганда $800 \text{ м}^3/\text{сек}$ сув сарфланиши, **100 метр** олинганда **1200-1300 метр** куб, **200 метр** олинганда **1600 метр** куб, **200-300 метр** олинганда **1 марта** суғориш учун **1600-2000 м³/сек** сарфлансада, ҳосилдорликда ҳеч қанақа ўзгариш бўлмаганлиги кузатилган.

Мисол учун, Амударё йўналишидаги сув ичадиган 100 минг гектар майдонда амалга оширилса, 120 млн метр куб сув тежалади.



Бошоқли дон экинларини парваришлашда юқоридаги келтирилган тавсияларга тўла амал қилинганда ғалладан **90-100 центнердан** дон ҳосили олишга эришилади.

Ноябр ойида амалга оширилиши лозим бўлган агротехник тадбирлар

Биринчи, кечки ва фосфорсиз экилган майдонларга **ноябр ойида** камида **фосфорга бойитилган биостимуляторлар** билан **2-март** суспензия сепиш (*Koda P54-85%*, *Калийфос*, *N₁₅P₄₅K₄₅*, *Ifo PZN-25%*) ва шарбат усулида суғоришни ташкил этиш.

Иккинчи, кеч экилган ва тупламаган ғалла майдонларини **ривожини тезлатиш учун 100-150 кг дан азотли ўғитлар** (Сульфат аммоний) билан озикдантириш.

Учинчи, ғўза қатор орасига экилган майдонларни ғўзапоядан кесиш агрегатлари ёрдамида тозалаш ва **ғўзапояни қўлда суғуриб олишга йўл қўймаслик**.

Тўртинчи, аҳоли хонадонлари ва чорва комплексларидан маҳаллий ўғитларни жамғариб, далаларга чиқариш, хандак уралар қазииш ишларини ташкил этиш.

Бешинчи, об-ҳавонинг қулай кунларидан фойдаланиб, дала атрофларини, ички ва хўжалик ариқларини тозалаш, сув иншоатларини таъмирлаш ишларини якунлаш.

Олтинчи, ғалла майдонларини совуқдан ва шўрдан сақлаш мақсадида далага қуруқ ва чириган гўнг сепиш ишларини ташкил этиш.

Еттинчи, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган замонавий технологиялардан фойдаланиш, навларнинг афзалликлари, етиштириш **агротехнологиялари** бўйича фермерларни малакасини ошириш бўйича **олимларни жалб этган ҳолда илмий-амалий дала семинарларини ташкил этиш**.